

91	64,97	0,79	52,44
95	57,45	1,07	39,39
98	78,32	1,06	65,27
цали пахта			
91	75,26	1,95	56,00
98	66,45	3,05	18,98
97	64,60	2,12	55,87

ДЕПУТАТЛАР ТЕРИМДА НАМУНА

Бу йил Беруний райони пахтакорлари оёна-Ватанга камида 45 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш мажбуриятини олганлар. Шу йилнинг баҳор ва ёз ойларидаги табиат қийинчиликларига қарамасдан ҳамма ҳўжалиқларда, бўлимларда, бригадаларда социалистик мажбуриятни ошириб бажарилган даражада ҳосил етиштирилди.

«Оқ олтин»ни нест-нобуд қилмасдан йиғиб-териб олишда маҳаллий Советлар депутатлари ташаббус кўрсатиб ишламоқдалар. Район Совети депутатларида 72 киши, овул Советларига сайланган депутатлардан 398 киши бевосита пахта теримида қатнашмоқдалар.

Охунбобоев номи совхоз пахтакорлари ва механизаторлари районда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш ҳалқ ҳўжалиқ планини ошириб бажардилар. 19 октябрдан бери мажбурийат ҳисобига «оқ олтин» топишмоқдалар. Навоий номи, «Октябрь 50 йиллиги», Маҳмутов номи ноли колхозларининг пахтакорлари тобора марра сари йилмоқдалар.

720 гектар ернинг ҳар гектаридан 60 центнердан ҳосил кўтариш, яъни ҳосилни 4320 тоннага етказиш мажбуриятини олган Навоий номи колхоз аъзолари етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қилмасдан тезроқ йил-гиритиб олиш, ишчи қў-ларни ва техникадан самарла-ни фойдаланиш юзасидан ташаббус кўрсатдилар.

Депутатлар раҳбарлик қи-лаётган бригадалар дастлаб-ки доводдан олиб, социали-стик мажбурият ҳисобига «оқ

олтин» топишмоқдалар. Охунбобоев номи совхоздан Р. Матқурбон, К. Дуйшев, «Правда» колхозидан Р. Раимбоев, «Ленинизм» колхозидан Т. Матқурбон, Будённый номи совхоздан Социалистик Меҳнат Қаҳра-мони П. Раҳимов бошлиқ ва бошқа ўнлаб бригадалар 10—12 кундан бери маж-бурият ҳисобига пахта то-пишмоқдалар.

Колхоз ва совхозларда қўлнинг килограммчилар ҳаракати тобора кенг қўлоқ-еймоқда. Бу ҳаракатни рай-онда биринчи бўлиб «Октя-брь 50 йиллиги» колхозининг моҳир теримчиси, Ўз-бекистон ССР Олий Совети депутати Шукржон Сапар-боева бошлаб берди. У ма-сумда 12 тонна «оқ олтин» теришга қарор қилди. Унинг шу кунгача терган пахтаси 9 тоннадан ошди. Ҳозир у кунига 200—220 килограмм-дан ошириб пахта теряпти. «Правда» колхозининг те-римчиси район Совети де-путати Зулайхо Собирова, «Коммуна» колхозидан овул Совети депутати Норул Қурбонмуродова, Охунбоб-оев номи совхоздан овул Со-ветининг депутатлари Хай-тўл Раҳмонова, Пошша Ҳу-матова каби моҳир терим-чилар Шукржон Сапарбо-ева ташаббусига қўшилиб, мавсумда 8—12 тоннадан «оқ олтин» теришга қарор қилдилар. Шу кеча-кундуз-да улар кунига 180—200 килограммдан пахта териб, мусобақада пешқадамлик қилмоқдалар. Ҳар бир ҳўжалинда қўлнинг кило-граммчилар ҳаракатига 350—450 теримчи қўшилди.

Терим суръати бўша-тирилмайди. Район ҳўжали-ларида ҳар кун йиллик планининг 2,5—3 проценти атрофида пахта тайёрла-моқда. Бироқ айрим ҳўжа-лиқларда терим суръати ҳа-нуз кўтарилмапти. Мас-алан, «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги», Беруний номи совхозларининг маъмурият-лари, «Ленинизм» колхоз-и правлениси ва партия таш-килотини негизда терим суръ-атини кўтаришда оқиллик қилмоқдалар.

Илгор тажрибачаларни оммалаштириш, сийёсий-ом-маний, тарбиявий ишларни олиб бориш, йўл қўйлаёт-ган ҳалқ камчиликларини ту-татишда 428 депутатни уюштирган 25 та депутат-группаси ишлагани, ҳар бир овул Совети қўшида 5 та-дан депутатлар пост таш-кил қилиниб, район бўйича 30 та пост ишлаб турибди.

Группа ва постлар пахта ноубутарчилигига қарши кескин равишда кураш олиб-бормоқдалар. Серқатнов йў-ларига, пахта ортлган те-лежалар, прицеплар ўтади-ган йўл бўйларига, ҳўжа-лиқларнинг ичкарасидаги йўл бўйларига тўқилган пах-таларни териб солиш учун қўнғилар қўйилган.

Маҳаллий Советларнинг депутатлари Улуғ Октябрь социалистик революцияси-нинг 62 йиллиги шарафига социалистик мусобақага қў-шилиб, оёна-Ватанга камида 45 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш юзасидан олиган мажбуриятини му-ваффақиятли бажарилиши учун курашнинг кун сайин кучайтирмоқдалар.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони»
муҳбири.

ПАХТА ЎЗ АҲАМИЯТИГА ҚўРА ҒАЛЛА, МЕТАЛЛ, НЕФТЬ БИ-ЛАН БИР ҚАТОРДА ТУРАДИ. ВАТАНИМИЗНИНГ ҚАРДОШ РЕС-ПУБЛИКАЛАРИ, БУЗИЛМАС СОЦИАЛИСТИК ҲАМДУСТЛИКНИНГ БАРЧА МАМЛАКАТЛАРИДАГИ ҚОРХОНАЛАР ПАХТАГА МУНТАЗИР. ПАХТА ЕТИШТИРИШНИ КўПАЙТИРИШНИ, УНИНГ СИФАТИНИ ЯҲШИЛАШНИ ЎЗБЕКИСТОН МЕХНАТКАШЛАРИ ҲАМИША ЎЗЛА-РИНИНГ ЮКСАК ВАТАНПАРВАРЛИК, ИНТЕРНАЦИОНАЛ БУРҶИ ДЕБ ҲИСОБЛАБ КЕЛГАНЛАР ВА ҲОЗИР ҲАМ ШУНДАЙ ДЕБ ҲИ-СОБЛАЙДИЛАР.

(Республика партия ва ҳукумати Мурожаатидан).



Теримда намуна бўлаётганлар

Республикамиз пахтакорла-ри, барча меҳнаткашлари Ўз-бекистон Компартияси Маржа-зий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Мурожаатини эър кўтариш билан кутиб ол-дилар. Барча ҳўжалиқларда пахта йиғим-терими Мурожа-ат асосида ташкил этилмоқда. Жуиладан, Богот районидан Жиданов номи колхозининг мар-ди-майдон пахтакорлари 1085 гектар ернинг ҳар гектаридан пландаги 4310 тонна ўрнига 4500 тонна «оқ олтин» йиғиб-териб олиш учун курашмоқ-далар. Ҳўжалиқ пахтазорлари-да 15 та машина унумли иш-латилмоқда. Чападаги суратда шу ҳўжалиқнинг илгор ме-ханизатори Олибир Матари-мовни кўриб турибсиз.

Бўз районидан «Партия XX съезди» совхозига ҳам пахта йиғим-терими уюш-тин билан ўтказилмоқда. Ҳўжа-лиқнинг Маълуд Ҳасанова (юқорида ўнгдаги суратда), раҳбарлик қилётган бригада коллективни 65 гектар майдон-нинг ҳар гектаридан 50 цент-нердан хирмон кўтаришга му-ваффақ бўлди. Илгор коллек-тив Мурожаатга жавобан яна гектардан 10 центнердан пах-та топишришга қарор қилди.

МЕХАНИЗАТОР
МИНБАРИ

СЎНГГИ ЧАНОҚЛАРГАЧА

Совхозимиз Нарпай қана-лининг чар томониданги кенг даштарда бўвд этилган. Меҳнатсевар коллективимиз янги ўзлаштирилган ер-ларда «Мўл ҳосил» етишти-риш учун эрта баҳордан оқ-нобидан «кўрсатдилар. Пахта йиғим-теримининг дастлабки кўнлариданоқ уюшқоқлик билан иш олиб-борилди. Шунинг учун ҳа-қиққа муваффақ бўлишда янги ўзлаштирилган 3177 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 24 центнердан хирмон кўта-риб, ҳалқ ҳўжалиқ планини ошириб бажаришга муваф-фақ бўлди. Оёна-Ватанга 7650 тонна юқори сифатли пахта сотилди. Ҳўслининг қариб 80 проценти маши-налар ёрдами билан териб-олинди.

Далаларимизда 48 та те-рим агрегати юксак унум билан ишлатилди. План ба-жаришга ҳар бир маши-на билан ўртача 115 тонна-дан «оқ олтин» териб олиш-га эришилди. Ҳаммасла-римдан Абдураҳмон Норул-лов, Уроқ Раҳматуллоев, Нурилла Очлов, Ортиқ Эшқуватов, Нортонжой Бой-қулов, Норбек Хусановлар ўз аргетларини бундарида 200—250 тоннадан дурдона-тўқилди. Мен ҳам ани шун-дай илгор меҳнаткорлар са-фида бўлганимдан хурс-андман. Терим қўнган кун-ларда нормани 2—3 бара-вар қилиб бажаришга му-ваффақ бўлдим. Шундай қилиб, оёна-Ватан хирмони-га 500 тоннага яқин пахта териб қўшишга ишидим.

Шу кўнларнинг ҳар да-қиқаси ғанимат. Бунинг ани тушунган совхозимиз чў-қувларини йиғим-теримини уюшқоқлик билан давом эт-тирмоқдалар. Илгор бўлим-лар ва бригадалар юксак марраларни қўлаб меҳнат қилмоқда.

Тажрибакор деҳқон Азим Шукржон етакчилиқ қи-лаётган 5 бўлим заршуно-лари ҳўжалиқимизда ғалаба маънафига биринчилар на-торида етиб келган эди. Ҳо-либ коллектив ҳозирда маж-бурият ҳисобига пахта то-пишмоқда.

Совхозимиз чўқувларини етиштирилган ҳосилнинг сўнгги граммларига, йи-ғиб-териб олиш учун ку-рашини давом эттирмоқда-лар. Коллективимиз Улуғ Октябрь социалистик ре-волюциясининг 62 йиллиги шарафига бошланган мусо-бақада фаол қатнашиб, 10 минг тоналлик «оқ олтин» хирмони бўвд этишга су-ба берган эди. Этимига оли-ган бу юксак мажбуриятни ош-тири билан адо этишга биз меҳнаткорлар ҳам му-носиб ҳисса қўшамиз.

Ўзбекистон МАМАДУЛЛОВ,
Нарпай райолидаги Не-лом шир номи совхоз меҳнаткор-халқовчиси,
СССР Олий Совети де-путати.

СҒЗ — ЧЕВАР
ТЕРИМЧИЛАРГА

ҲАР ДАҚИҚА ҒАНИМАТ

Пахта — ҳалқ бойлиги, ифтихоримиз саналади. Биз уни шунинг учун ҳам юксак қадраймиш. Ҳўжалиқимиз заршунослари бу йил 865 гектар ерда пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар. Дав-латга 3000 тоннага яқин «оқ олтин» топишди. Йил-лик планини районда бирин-чилар қатори бажардик. Пахтакорларимиз ҳосилдор-ликни гектар бошига 40 центнерга етказиш мақсади-да йиғим-терим ишларини бир дақиқа ҳам бўша-тир-маётдилар.

Ҳўжалиқимизнинг улкан хирмонига мўносиб ҳисса қўшган коллективлар бизда оз эмас. Тоштемур Шир-нонов бошлиқ бригада аъзо-лари бу йил мавсуд 68 гектар майдоннинг ҳар гек-таридан 55 центнердан «оқ олтин» етиштиришга суъ-ба беришган. Маълум коллек-тив ҳозиргача ҳар гектар ердан 40 центнердан оши-риб жавоҳир териб олди. Биз кўннинг килограммчи-ли теримчилар ҳам бу улкан ғалабага мўносиб ҳисса қў-шганимиздан хурсандимиз. Дўтоналари Моҳия Норму-родова, Хўшафқ Раҳимов-лар шу кунгача хирмонга 12—14 тоннадан пахта те-риб топишди. Мен ўзим терган пахта ҳам 14 тонна-га етай деб қолди.

Колхозимизда машаът бригада кўп. Масалан, Хо-лиқ Раҳманов, Ёлмон Оқ-мирасев, Эргаш Ёлдошев ур-тоқлар бошчилиқ қилаёт-ган бригадаларнинг мириш-корлари ҳар гектар майдон-дан 55—60 центнердан хирмон кўтариш учун ку-рашмоқдалар.

Бир грамм ҳам ҳосилни ерда қолдирмайди. Ҳозир-да ҳўжалиқимиз пахтазор-ларда 1200 ден знед ме-хантсевар жасорат кўрсатиб ишлаётди. Йиғим-теримда ёшлар билан бир қаторда отахон ва онахонларимиз ҳам фаоллик кўрсатишга. Вағал Нуралев, Ёлмурод Сунонов, Фозил Хидиров, Муҳаммад Сунонов, Норми Қурбонбаева каби қариялар кунига 80—90 килограмм-дан ошириб пахта териш-а-тир.

Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатига жавобан янада унумли меҳ-нат қиламиз, ҳар дақиқадан оқилонга фойдаланиб, терим суръатини кескин оширамиз.

Мингсулв ҚУРБОНОВА,
«Шарқ юлдузи» колхоз-ининг кўннинг кило-граммчи теримчиси.

Пахтазор илҳомлари ОППОК ПАХТАЛАРИМ...

ПАХТАКОР МОНОЛОГИ

Оппок пахталарим — болақонларим.
Сизга боқиб туриб завқим ортмоқда.
Калбимга сиймисдан ҳайқонларим,
Барваж қўнқиб бўлиб қанот қўқмоқда.

Барваж қўнқимиз, шеър, достонимиз,
Мен сизни ёзганман оппок даланим.
Мисралар бўлсин деб зало, тўқимиз,
Дам ҳам берганим йўқ билеб—қаламга.

Сизни тонгда ёздим, қанқоқ тушда ҳам,
Шунинг-чун беғубор ҳамда қайноқсиз.
Сизни селда ёздим, ёздим қишда ҳам,
Шунинг-чун шиддатли қанда оппоксиз.

Сизни айл билан, хис билан ёздим,
Барқалок ва нафис бўлсин, дедим-да.
Сизни тўғиб билан, баҳс билан ёздим,
Зарфиқда тўқис бўлсин, дедим-да...

Гармсел уришдан асрадим сизни,
Гаров килригимини мҳота қилиб.
Дўл уриб лат еган вуқудингизни
Парварини қилдим-ку парвона бўлиб.

Сизга қалб қўригани қилдим баҳшда,
Олов, удабурон ёшлагимни ҳам.
Сизга бор-йўғимни қилдим баҳшда,
Қўлгилм шодлигини, ташлигини ҳам.

Сиздан бошлангандир ҳаёт сўқмоғим,
Довонли, қарвонли катта йўлим ҳам.
Сиздан — тўқинилигим, бошанг
чорбоғим,

Сиздангир оғирим ва енгилли ҳам,
Сиз борсиз — гурунгда сўз оламан мен,

Мен борки, гурунгда бош мавзусиз
сиз.
Сиз менга ҳақиқий номул билан тенг,
Викдон, мийнағи бош кўзгусиз сиз.


Оппок пахталарим — болақонларим,
Бутунлиқ биларга насибдир, шукр.
Ушлаган орзулар ва армонларим,
Бонг урсак ярашар бутун бахузур.

Мени эъзоладим замин, замона,
Тўя маъражада ўрини, қадим бор.
Сизни эъзоладим замин, замона,
Ғаниматимизда сизга оқд сатр бор.

Менинг меҳнатларим қўнқиб, кўй бўлди,
Сизнинг тасвирингиз тушди гербларга.
Мен зўр оёр топдим, у боқиб бўлди,
Сиз оёру бўлдингиз бани-башарга.

Сизни космосга ҳам чиқдилар олиб,
Богладингиз замин билан фазоки.
Иккимиз ҳам бутун омадин, голлиб,
Шукратимиз тутди бутун дунёни...

Оппок пахталарим — болақонларим,
Келинг, ўпиб қўя, жонақонларим.
Холдоржон ҚУРБОНОВ.



СИРДАРЕ ОБЛАСТИ. Оқолтин районидан «Андижон» совхози пахта пунктда иш ҳар қанонгидан ҳам қизғин. Пунктининг меҳнатсевар коллектив бу йил 16 минг тонна пахта қабул қилиб олади. Бу ерда ҳар кун 750—800 тонна пахта қабул қилиб олинмоқда. Суратда: «Андижон» совхози пахта пунктда.

«МОСКВА»ЛИКЛАР ҒАЙРАТИ

миз, бахтимизни қўриқда си-наймиз» — деган кишилар тобора кўпайди. Қараб ётган чўла ўрнида шаҳар тиллағи посёлкалар бўлиб қилинди. Янги уй-жой-лар, асфальтланган кўчалар қўрилди. Пахтакорлар ва

механизаторларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш тобора яхшиланди. Улар бунга жавобан қўнқ ерлар-нинг жадал ўзлаштириш ва мўл пахта етиштиришга ас-тойдил киришдилар.

Бу йил ҳар қачонгидан ҳам кўп «оқ олтин» етказиб беришга қарор қилган эдик. Совхозимизнинг ҳамма бў-лимлари ва бригадаларида мисли қўрилмаган даражада мўл ҳосил етиштирилди. Теримнинг биринчи қўнқ-ноқ ишин аниқ график асо-сида ташкил қилдик. Бу меҳнат нитизонини мустақ-камлаш, ҳар бир механизаторнинг, ҳар бир теримчи-нинг белгиланган нормани ошириб бажаришга олиб-келди.

Пахта далаларида мавжуд 17 та «эанторн кема» икки смеада ишлатилди. Ҳар бир агрегат билан 10—12 тонна-дан пахта теришга эришил-ди.

Қўл теримига ҳам эъти-бор қўйилди. Ёрдамчи-ларнинг қўлиб ҳисоблаганда қўл теримда салкам 900 киши қатнашайтир. Улар-нинг ҳар бири кунига 75—80 килограммдан пахта те-риб топишришга. 250 дан кўпроқ теримчи кунига 185—220 килограммдан пахта териб, мусобақада пешқа-дамлик қилишмоқда.

Ийлик план бажарилди. Аммо ҳали пахтазорларимиз-да ҳосил кўп. Пешана тери-авзига етиштирилган «оқ олтин»нинг бир қисми ча-ноқларда турибди. Совхоз-имизнинг фидокор пахтакор-лари далаларда етиштирил-ган ҳосилнинг бир граммини ҳам нест-нобуд қилмасдан йиғиб-териб олиш учун бар-ча резерв ва имкониятлар-дан тўла фойдаланишмоқда-лар. Н. Отамонов ва Ш. Абдулов ўртоқлар бошқару-чилиқ қилаётган бўлимлар ҳануз пахта топишришда пешқадамликни қўлдан бер-маптилар.

С. РАҲИМОВ,
Элликқалъа райониданги
«Москва» совхозининг
директори.

